

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2014 йилнинг 1 сентяб-ридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2014 йилнинг 1 сентяб-ридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 107 635 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 210 525 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 210 525 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 129 180 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа туловлар 2014 йилнинг 1 сентяб-ридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар би-

лан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қондарида келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2014 йилнинг 1 сентяб-ридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 2 декабрдаги ПФ-4582-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2014 йилнинг 1 сентяб-ридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Жойларга сайловчилар, фуқаролар билан мунтазам учрашиб турамыз. Улар биз билан нафақат ҳаёт тарзигаги ўзгаришлар, балки юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, амалий саъй-ҳаракатлар ҳақида ҳам апрофлича фикр алмашадилар. Мулоқот чоғида жиддий бир тенденцияни кузатишимиз мумкин. Бундан ўн йиллар аввал аҳоли билан учрашганимизда, суҳбат мавзуси асосан турмушдаги маиший масалалар апрофлича бўларди. Эндиликда эса, мулоқот мавзуси, миқёси янада кенгайиб, одамларимиз юртимиз тараққиёти, демократик ислохотларнинг навбатдаги босқичлари, жамиятни янгилашнинг асослари ҳақида сўз юритишмоқда, муҳими, уларда апрофлича бўлаётган воқеликларга сертаклик билан қараш, яъни дахлдорлик ҳисси шаклланимоқда.



ВАТАН — МУҚАДДАС, ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ

Эътиборли томони, юрдошларимиз бугунги тинч, осойишта кунларга шукроналик, фидойилик, фахрланиш туйғуси билан яшаётди.

Президентимизнинг яқинда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва

уни ўтказиш тўғрисида"ги қароридан алоҳида қайд этилганидек, мустақиллик йилларида эришилаётган ютуқларимизнинг асосий омиллари мезонини, аввало, халқимизнинг дунёқараши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётгани билан боғлиқдир. Шунини ало-

ҳида қайд этиш керакки, мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотларнинг миллий концепцияси — тараққиётимизнинг "ўзбек модели" негизида инсон ва унинг манфаатлари устувор қадрият сифатида белгилаб олинди, жамият ҳаётида кечган ўзгаришларнинг барчаси айнан мана шу эзгу мақсадга,

яъни Ўзбекистон халқининг фаровон турмушини таъминлашга йўналтирилди. Бу саъй-ҳаракатлар, пировардида, кишилик жамияти ўз олдига қўяётган Мингйиллик ривожланиш мақсадридек эзгу дастурларнинг барча қирраларини қамраб олди ва эътиборли жиҳати, дастурнинг қатор йўналишлари бўйича Ўзбекистон

илғор мамлакатлар қаторидан жой эгаллади. Биргина мисол, бугун дунёнинг катта қисмида аҳоли саводхонлиги глобал муаммо бўлиб турган бир пайтда, юртимиз бу борада қарийб юз фоизлик кўрсаткичи билан халқаро ҳамжамиятга ўрнак бўлмоқда ва намуна сифатида кўрсатилмоқда. (Давоми иккинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2014 йил 31 июль

Qonun ijodkorligi

Ташувчининг фуқаролик жавобгарлиги ва мажбурий суғурта

бу борадаги қонуний асослар янада такомиллаштирилмоқда

Маълумки, амалдаги қонунчилигимиз, хусусан, Фуқаролик кодексига кўра, мамлакатимизда белгиланган манзилга етказиш чоғида йўловчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилганлиги ҳамда юк ёки багаж йўқолганлиги, кам чиққанлиги ва юкларга шикаст етказилганлиги, шу жумладан, уларнинг бузилганлиги учун ташувчи жавобгар ҳисобланади. (Давоми учинчи бетда)

Қулай ишбилармонлик муҳитининг муҳим асоси

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳада бўлгани каби банк-молия тизимида ҳам барқарор ўсиш суръатларига эришилмоқда. Хусусан, банк тизими капиталлашувини ошириш бўйича амалга оширилган мақсадли чора-тадбирлар туфайли банклар жами капитал охириги беш йилда 3,5 баробар, 2013 йилда 2000 йилга нисбатан 46 баробар кўпайди.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз молия бозоридан янги муаммоларни юзага келтирди. Инқироз шароитида аксарият ривожланган давлатларда қайтарилмай-

диган ва муддати ўтган кредитлар муаммоси чуқурлашиб бормоқда. Натижада тижорат банклари бўла-жак йўқотишларни инобатга олган ҳолда, ўз маблағи ҳисобидан те-

гишли захиралар миқдорини оширишга мажбур бўлмоқда. Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида амалга оширилаётган бозор ислохотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат

қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилиш вазифаси белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикасининг "Гаров реестри тўғрисида"ги қонун шунлар жумласидандир. Мамлакатимизда банк хизматлари инфратузилмасини такомиллаштиришга йўналтирилган мазкур қонун 2013 йил 23 октябрда қабул қилиниб, жорий йилнинг 1 июлидан қучга кирди.

(Давоми учинчи бетда)

Huquqiy ma'rifat

Давлат божи у қандай тартибда ундирилади?

Qonun ko'magi

Ҳар бир мурожаат эътиборда

Жумладан, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга 30 та

даъво аризаси, тегишли идораларга эса, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 34 та тақдимнома киритилди. (Давоми иккинчи бетда)

Аввало шунини айтиш жоизки, фуқаролик ишлари бўйича судларда одил судловни амалга ошириш, низоларни қонуний ҳал этиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш судьялар ва суд тизими ходимларидан алоҳида билим, малака ва диққат-эътиборни талаб этади. Бунда иш юзасидан тўпланган далилларни текшириш, гувоҳларни ишда иштирок этишга жалб этиш, экспертиза тайинлаш каби чора-тадбирлар муайян миқдордаги чиқимларни тақозо қилади.

Айтиш жоизки, фуқаровий низоларни ҳал этиш чоғида сарфланадиган маблағлар-

нинг маълум бир қисми ишдан манфаатдор шахслар томонидан қопланади ва улар суд ҳаражатлари деб номланади. Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳаражатлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборатдир. Маълумки, давлат божи деганда, суд томонидан фуқаролик ишларининг юритилиши муносабати билан сарфланадиган харажатлар учун олинадиган мажбурий тўлов тушунилади. Давлат божи судларга даъ-

во аризалари, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлар, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича аризалар, судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан апелляция, кассация тартибдаги шикоятлар ва назорат тартибда протест келтириш, шунингдек, судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхалари берилгани учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда ундирилади. (Давоми тўртинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Биз бир ҳовлида оилам ва қайнукам билан бирга яшаб келамиз. Қайнонам биз яшаб турган ҳовлини қайнукамга васият қилиб, васиятномани нотариус орқали рўйхатдан ўтказган. Ўтган йили қайнонам оламдан ўтди. Қайнукам эса, ёшлигидан ақли норасолиги туфайли биз билан бирга яшаб келади. Айтинг-чи, ушбу ҳовлини эримнинг номига расмийлаштири олишимиз мумкинми?


Турсунной ЭРГАШЕВА,

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани

— Амалдаги Фуқаролик кодексининг 1112-моддасига кўра, ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади. Мазкур кодекснинг 1120-моддасига биноан, фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш ҳусусидаги хохиш-иродаси васият деб эътироф қилинади. Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли.

Фуқаролик кодексининг 30-моддасига асосан, руҳий касаллиги ёки ақли зафлиги оқибатида ўз ҳаракатлари

нинг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарого васийлик белгиланади. Ушбу ҳолда турмуш ўртоғингиз фақат суд қарорига асосан, муомалага лаёқатсиз деб топишга ҳақли ва васий этиб тайинлиши ва унинг номидан васий сифатида битимларни амалга ошириши мумкин.



Мен ёшлигимдан биринчи гуруҳ ногирониман. Айтинг-чи, ногиронлар солиқ тўлашда қандай имтиёзларга эга?

О.НУРИДДИНОВ,


Хива тумани

— Маълумки, Солиқ кодексининг 180-моддаси 1-қисми 5-бандига мувофиқ, I ва II гуруҳ ногиронлари, болалигидан ногирон бўлиб қолганлар солиқ солишдан қисман (даромад олинган ҳар ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридagi даромадлар бўйича) озод қилинади.

Ушбу кодекснинг 275-моддаси 1-қисми 6-бандига I ва II гуруҳ ногиронлари мол-мулк солиғи бўйича имтиёзга эга

эканлиги кўрсатилиб, унга кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида имтиёз берилиши белгиланган.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 290-моддасига асосан, I ва II гуруҳ ногиронлари ер солигидан озод қилинади. Мазкур имтиёзлар пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотмаси асосида берилди.



Мен 2005 йилда турмушга чиқдим ва ҳозирда 4 нафар фарзандим бор. Аммо қайнотам мен ва эримни яшаб турган уйимиздан чиқариб юборди. Айтинг-чи, қайнотам бундай йўл тутишга ҳақлими? Ойдиннисо ҚУВОНДИҚОВА,

Самарқанд вилояти, Каттакўрғон тумани, Шўрак қишлоғи

— Амалдаги Уй-жой кодексининг 32-моддасига асосан, уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар. Улар мулкдор берган турар жойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақлидирлар, оиланинг бошқа аъзоларини эса, уй, квартира мулкдорининг розилиги билангина кўчириб киритиши мумкин. Бу шахслар уй, квартиранинг мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади.



Турар жой мулкдорининг оила аъзолари деб у билан доимий бирга яшаётган хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тана олинади. Уй ёки квартиранинг мулкдори, унинг оила аъзолари, у билан доимий яшаётган фуқаролар ва собиқ оила аъзоси ўртасидаги турар жойдан фойдаланиш ҳақидаги низолар суд тартибда ҳал этилади. Шунга кўра, сиз ушбу масала юзасидан тегишли фуқаролик судига мурожаат қилишингиз мумкин.

Саволларга Олий суд катта консультанти Гўлнора МИРЗААЛИМОВА жавоб бери.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шуни гурур билан айтиш керакки, юртимизда инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун зарур бўлган давлат ҳаражатлари йилдан-йилга оширилиб, бу масала давлатимизнинг асосий диққат марказида бўлиб келяпти. Бугун давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ушбу мақсадларга йўналтирилаётгани юртимизда инсон омилига нечоғли катта эътибор қаратилаётганини кўрсатади.

Президентимиз қароридан алоҳида қайд этилганидек, вақт ўтиши билан тобора ёрқин намоён бўлаётган, биз биринчилар қаторида амалга оширган ва давом этираётган, дунёда катта қизиқиш уйғотаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берганимиз мамлакатимизнинг катта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгариллаб боришида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу борада, айниқса, "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг ҳаётга изчил татбиқ этилгани муҳим аҳамият касб этди.

Зеро, ушбу ташкилий-ҳуқуқий чоралар натижасида таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, мутлақо янги ёндашув ва фалсафа асосида ишлайдиган миллий таълим тизими яратилди. Мамлакатимизда қабул қилинган Миллий дастурга кўра, 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Бу авваламбор, 12 йиллик тўлиқ бепул, мажбурий таълим қонуний асосда йўлга қўйилганини аниқлади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, агар инсон ўз мамлакатини Конституцияси, ҳалқи ва Ватани олдидagi фарзандлик бурчини бажариши истаса, у биринчи навбатда ўз фарзандининг 12 йиллик таълим олишини таъминлаши, бунинг учун барча-барча шароитларни яратиш бериши керак. Бу моҳиятан инсон тараққиётининг тамал тошини белгилаб беради.

Хорижлик экспертлар алоҳида эътироф этаётганидек, бу моделнинг муҳим хусусияти шундаки, умумтаълим мактабидagi 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда тахсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорига талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-хунарларни ҳам эгаллайдилар.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистонда яшаётган 31 миллион аҳолининг 60 фоизидан ортигини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, таълим тизимига бежизга бундай катта эътибор қаратилмаётганини аниқлаб олиш мушкул эмас. Чунки ҳар йили ярим миллион нафардан ортиқ йигит-қиз мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўяр экан, улар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсадида узокни кўзлаб ислохотларни амалга ошириш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам таълим ислохотларини бугунги бозор

Mustaqilligimizning 23 yilligi oldidan

Ватан — муқаддас, инсон қадри улғу

иктисодиёти талабларидан келиб чиқиб янада чуқурлаштириш, меҳнат бозори ва ресурсларининг имкониятларини жадал кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Касб-хунар коллежлари битирувчиларни иш билан тазминлаш борасида амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар бунга яққол мисолдир.


Таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича миллий моделимизнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда янгилашиллар босқичма-босқич олиб борилмоқда. Аввал, таълим тизимининг ҳуқуқий асослари шакллантирилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, педагог кадрларни тайёрлаш тизими ва таълим муассасаларининг илмий-методик иш олиб бориши йўлга қўйилди. Бугунги кунда эса, педагоглар фаолиятини рағбатлантириш, тизимни давр талабидан келиб чиқиб, янада раванқ эттириш бўйича чоралар кўрилаётгани бунинг тасдиғидир. Биргина 2013 йилда таълим-тарбия соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш, таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юрларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берилгани фикримизни тасдиқлайди. Масалан, ўтган йили 28 та янги касб-хунар коллежи қурилди, 381 та умумтаълим мактаби, олий ўқув юрлари тизимидаги 45 та объект, 131 та касб-хунар коллежи ва лицейлар реконструкция қилинди ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди.

Сир эмас, жаҳонда интеграция жараёнлари кучайиб, кундалиқ ҳаётга компьютер технологиялари ва интернет кенг жорий этилаётган бугунги шароитда чет тилларни пухта билмасдан ва эгалламасдан туриб келажакни қуриб бўлмастлигини барчамиз яхши аниқлаб етмоқдамиз. Шуларни инобатга олиб, ўтган ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан чет тилларни ўргатишнинг узлуксиз тизими жорий этилди. Бар-

ча умумтаълим муассасаларида чет тилларни ўргатиш бўйича 17 мингдан ортиқ ўқув хоналари ташкил этилди. 1-синф ўқувчилари учун чет тиллар бўйича мультимедиа варианти илова қилинган, 538 мингдан зиёд рангли дарслик чоп этилди. 2 минг нафарга яқин чет тили ўқитувчиси тайёрланди ва уларнинг умумий сони 26 минг кишига етди.

Мамлакатимизнинг барча минтақаларида чет тилларни бир хил шароитда ўқитиш, қишлоқ жойларга юқори малакали инглиз тили ўқитувчиларини жалб этиш мақсадида, тариф ставкаларига 30 фоиз қўшимча ҳақ белгиланган ҳолда, уларни моддий рағбатлантириш тизими жорий этилди. Телевидениеда чет тилларни ўргатиш бўйича қизиқарли ўйинлар дастурига эга бўлган махсус болалар маърифий каналлари ташкил қилинди.

Инсон тараққиётининг яна бир муҳим омили — саломатлиқни таъминлаш бўйича тегишли чораларнинг кўрилганидир. Ўзбекистон мустақиллик йилларида фуқароларнинг, айниқса, ёш авлод соғлигини муҳофаза қилиш бўйича тизимли чоралар кўрган ҳамда бу борада катта ютуқларга эришган давлатлардан ҳисобланади. Биргина "Соғлом она — соғлом бола" концепцияси негизда миллат ва халқнинг соғлигини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинган. Бугун фертил ёшдаги аёлларнинг ҳомиладорлик даври ва бола тарбиясининг дастлабки йиллари тўлалигича давлат назоратига олинган бўлиб, бу она ва бола муҳофазасини таъминлашнинг яхлит тизимини шакллантирди. Мисол учун сўнги йилларда туғиш ёшдаги аёллар, шунингдек, болалар ва ўсимларни тиббий кўридан ўтказиш тўлиқ таъминланди. 2011-2013 йилларда 535 минг нафар ҳомиладор аёл ирсий ва туғма касалликлар бўйича текширувдан ўтказилгани бунинг далилидир. Эътиборли жиҳати, бу саъй-ҳаракатлар 2013 йилда қарийб 2,7 минг боланинг туғма хасталиклар ва ривожланишдаги нуқсонлар билан туғилишининг олдини олиш имконини берди. Бошқача айтганда, "Она ва бола скрининги" дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида



ривожланишда нуқсонли бор болаларнинг туғилиши 2000 йилга нисбатан 1,8 марта камайди. Аҳолининг овқатланишини яхшилаш, ун ва тузани зарур микроэлементлар билан тўйинтириш, оналар ва болаларни витаминга бой дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда болаларимизнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келади ва ҳеч шубҳасиз, бу биз эришган катта ютуқлардан биридир.

Фақатгина 2013 йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 3,8 баробар ошди. Бунинг самарасида 295 та тиббиёт объекти реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини жиҳозлаш даражаси 1,8 баробар ортди ва 91,7 фоизга етди, жумладан, юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозлаш даражаси 82,6 фоизни ташкил этмоқда.

Биз юқорида юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятида инсон омили муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этдик. Бу бежиз эмас. Буларнинг барчаси ҳар томонлама соғлом, дунёқароши кенг, маънавияти юксак авлодни шакллантиришдек эзгу мақсадга қаратилган бўлиб, бу саъй-ҳаракатлар пировардидан ҳар бир юртдошимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, она-Ватанимиз тараққиёти учун фидойий инсонларни тарбиялашга хизмат қилади. Бу эса, етук инсоннинг энг катта бахти, нияти ҳамдир. Мустақиллик бизга мана шу бахтни инъом этгани билан қадридир.

Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси



Qonun ko'magi

Ҳар бир мурожаат эътиборда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, адлия бошқармаси томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун талабларини бузган 16 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича судларга юборилди. Масалан, Қизилқум туманидаги "Истиклол" маҳалласи-

да яшайдиган Н.Жиянованингни туман ҳокимлиги томонидан унинг мурожаатига жавоб берилмаётгани юзасидан ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди. Айтиш керакки, Н.Жиянованингни мурожаатини қонуний ҳал этиш вазифаси туман ҳокимлиги ҳуқуқшуноси П.Шоимовга юклатилган бўлса-да, у қонунда белгиланган бир ойлик муддатдан 5 кун кечикти-

риб жавоб хати юборган. Ушбу ҳолат юзасидан П.Шоимовга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Қизилқум тумани судига юборилди. Суд қарорига асосан П.Шоимовга нисбатан жарима жазоси тайинланди.

вис" МТП МЧЖ ҳисобидан Ж.Содиқовнинг фойдасига 1 810 444 сўм миқдорда иш ҳақи ундириш таъминланди. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ариза ва шикоятларни қонуний ҳал этиш, бу борадаги қонунчиликка изчил риоя қилишга алоҳида эътибор қаратиш гоянда муҳимдир. Зотан, фуқароларнинг мурожаатларини белгиланган муддатларда қонуний ҳал этиш ҳуқуқи ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш имконини беради.

Б.ХИДИРОВ, Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Истиклол йилларида халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар, эзгу анъана, урф-одатлар қайтадан қадр ва эъзоз топди. Шундай қадриятларнинг бири, жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатидан учрамайдиган ноёб ижтимоий тузилма — маҳалланингни нуфузи ва мавқеи тубдан ошдириди. Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғини халқимизнинг энг яқин маслаҳатгўйи, кўмақдошига айланиб бораётгани ҳам бу фикрнинг яққол тасдиқлайди.

Энг муҳими, истиқлолнинг ўтган даврида бу борада мустаҳкам қонунчилик асослар яратилди ва бу ҳуқуқий асослар изчиллик билан такомиллаштирилиб келинаётгани маҳалланингни ижтимоий ҳаётдаги ўрни янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг 22 апрелида янги тахрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун ҳам ана шу мақсадга қаратилганлиги билан ниҳоятда муҳимдир. Албатта, ҳар бир маҳалланингни аҳоли ўртасида обрў-эътибори янада ошиши кўп жиҳатдан маҳалла

оқсоқолининг ўзига нисбатан билдирилган ишончини тўлиқ оқлашига боғлиқдир. Бироқ ҳаётда ўзига билдирилган юксак ишончда суиистеъмол қиладиган, энг ёмони, нафс қутқусига ўчиб, турли хил қинғирликларга кўл урадиган айрим кимсалар ҳам учраб туради. Мисол учун Каттакўрғон шаҳридаги Н.Тоғаев номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимда фаолият юритиб келган Иноятилла Қосимов (исм-шарифлар ўзгартирилди) мулкий наф қўриш илнжида бир гуруҳ шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктиради. Улар 2012

йилнинг 1 январидан 2013 йилнинг 1 апрелига қадар Вазирилар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли қарори билан тасдиқланган "Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида"ги Низом талабларини қасддан бузиб, 16 (18) ёшгача фарзанди бўлган кам таъминланган оилаларга берилмайдиган нафақалар учун тузилган тўлов варақаларига 54 нафар аслида мавжуд бўлмаган фуқароларнинг исм-шарифини киритишди ва 35 миллион 681 миң 259 сўм миқдордаги пулни талон-тарож қилишди.

Burch va majburiyat

Масъулият ва

чилик 2 ёшгача фарзанди бўлган кам таъминланган оилаларга тўланадиган нафақалар учун тўлов варақаларини тўлдиришда ҳам давом этирилди. Бу сафар сохтакорлик йўли билан 38 нафар аслида йўқ фуқароларнинг номи тўлов варақаларига киритилди ва 55 миллион 24 миң 870 сўм миқдордаги маблағ жиноий шерикларнинг ҳамёнига келиб тушди. Хуллас, нафс бандалари аслида йўқ фуқароларнинг номи тўлов варақаларига киритилди ва 35 миллион 706 миң 129 сўмлик кўп миқдордаги маблағни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишди.

Бундай сохтакорлик ва кўзбўяма-

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу борадаги миллий қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш хозирги давр талабидир. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган 2011-2015 йилларда республика микромолиялаш соҳасини ва нобанқ молия секторини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг 5-бандига мувофиқ, "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Мазкур қонун лойиҳасининг асосий мақсади — ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга ошириш йўли билан юртимиз ҳудудда транспорт воситаларининг барча турларида ташишни амалга оширишда йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига етказилган зарар ўрнининг қопланишини кафолатлашдан иборат.

Ҳозирги кунда Европа Иттифоқининг деярли барча давлатларида, АКШ, Канада, Япония каби мамлакатларда бу борада тегишли қонун қабул қилинган ва ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизими муваффақиятли ишлаб келмоқда.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг асосий қоидалари ҳақида сўз борганда, биринчи навбатда, уни ишлаб чиқиш ва қабул қилишдан кўзланган мақсад ташувчининг йўловчилар ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат эканини таъкидлаш жоиз.

Айтиш керакки, амалдаги қонун ҳужжатларида ташувчи ким эканлиги аниқ белгиланган. Яъни ташувчи — бу шахар йўловчилар, темир йўл, ҳаво, автомобиль, дарё ва бошқа транспортда тижорат асосида йўловчилар ва уларнинг мулкларини ташиш хизмати кўрсатадиган ҳамда бунга махсус рўхсатномаси (лицензияси) бўлган шахсдир.

Қонун лойиҳасига ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш масалалари билан бир қаторда,

мажбурий суғурта бўйича суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида — суғурталовчилар томонидан йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича мажбурий суғуртани биргаликда амалга ошириш учун суғурта шерикчилиги

Қонун кучга киргандан сўнгра мустаҳкамланган мажбуриятлар ижроси соҳанинг муайян масъул ташкилотлари томонидан назорат қилиб борилса, қонуннинг, том маънода, ҳаётийлиги таъминланади. Шу нуқтаи назардан, мажбурий суғурта бўйича мажбуриятнинг ташувчилар томонидан бажарилишини

деб топилади.

Жумладан, Ҳаво кодексининг 110-моддаси, "Автомобиль транспорти тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддаси ва "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги қонуннинг 25-моддасидаги йўловчиларнинг мажбурий шахсий суғуртасини назарда тутган алоҳида қисмларни чиқариб ташлаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, мажбурий суғурта бўйича мажбуриятнинг ташувчилар томонидан бажарилишини таъминлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ташувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаганлиги учун маъмурий жавобгарликни ва мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилигини назарда тутган моддалар билан тўлдириб кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасига янги хатбоши киритилмоқда. Бу қўшимча билан ташувчиларнинг йўловчилар ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги юзага келишини ушбу қонун бўйича суғурта ҳодисасидан чиқариб ташлаш кўзда тутилган. Бу эса, яна бир муҳим мақсадга, яъни йўловчиларга суғурта товонлари тўлалигини такрорланишининг олдини олишга хизмат қилади.

Шундай қилиб, "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси йўловчиларга етказилган зарар ўрнини қоплаш бўйича харажатларни энг мақбул даражага келтириш йўли билан ташувчиларнинг мулкий манфаатлари ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

Энг муҳими, мамлакатимизда янги иш ўринлари яратилиши, суғурта бозори ва транспорт инфратузилмасининг изчил ривожланиши, кўрсатилган хизматлар сифатининг тўдан яхшиланиши учун қонуний шартшароит ва имкониятлар янада кенгайтирилади.

Феруза ОМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати

Qonun ijodkorligi

Ташувчининг фуқаролик жавобгарлиги ва мажбурий суғурта

бу борадаги қонуний асослар янада такомиллаштирилмоқда

тузилмоқда. Шунингдек, суғурта товони тўловини кафолатлаш учун суғурта захираларини шакллантириш бўйича муайян талаблар киритилмоқда.

Содда қилиб айтганда, суғурталовчиларга бир қатор талаблар қўйилмоқда. Хусусан, суғурталовчи тегишли лицензияга эга бўлиши, ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта шерикчилигида мажбурий иштирок этиши ва мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида мажбурий суғурта шартномаси тузишга, ташувчиларнинг суғурта товонлари ҳақидаги талабларини кўриб чиқишга ҳамда суғурта товонларини амалга оширишга ваколатли ўз филиалларига эга бўлиши талаб этилади.

Шу ўринда мазкур соҳада суғурта тушунчаси нималарни ифода этишига ҳам эътибор қаратиш лозим. Белгиланган таърифа биноан, мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши даврида йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича ташувчининг фуқаролик жавобгарлиги вужудга келганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган факт суғурта ҳодисаси деб тан олинади.

назорат қилиш учта йирик тузилма — Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Айни вақтда, қонун лойиҳаси ана шу учта ташкилот, шунингдек, Иқтисодиёт, Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликлари, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Ўзбекистон темир йўллари" ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" компаниялари ҳамда "Тошхавтарансхизмат" уюмси билан келишилди. Шунингдек, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан қонун лойиҳаси юзасидан билдирилган таклиф-мулоҳазалар лойиҳани такомиллаштириш жараёнида инобатга олинди.

Шунингдек, ушбу лойиҳа келгусида қонун сифатида қабул қилиниши муносабати билан амалдаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади ҳамда айрим қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотган

Қулай ишбилармонлик муҳитининг муҳим асоси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур ҳужжатда гаров реестрини ҳисобга олишнинг ягона базасини яратишга доир ҳуқуқий механизмлар белгиланган бўлиб, улар гаровга қўйилган мол-мулкни ҳисобга олиш, уни ғайриқонуний равишда реализация қилиш ёки бошқа шахсга беришнинг олдини олиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, кредитлар ажратишни кенгайтириш, мол-мулкдан таъминот сифатида фойдаланиш ва тижорат банклари таъминотга олган мол-мулк асосида кредит хавфини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар самардорлигини оширишда қўл келади. Бу молия бозорида мижозларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини юксалтириш ва рақобатни кучайтиришда муҳим омилдир.

Янги қонун ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузурида "Гаров реестри" давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Корхона гаров реестрининг узлуksиз фаолият юритилишини таъминлаш мақсадида интернет тармоғида "www.garov.uz" доменига эга бўлиб, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатмоқда.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг жорий йил 12 июндаги "Гаров реестри тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Гаров институти янги, энди иш бошлаганини эътиборга олиб, унинг фаолиятини кенг оммага етказиш учун жойларда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда мутахассислар ва гаров реестрига ёзувларни киритиш билан шуғулланувчи бошқа шахслар учун семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

— Гаров реестрининг юритилиши банк-молия хизматларининг ривожланишига хизмат қилади, — дейди "Гаров реестри" давлат унитар корхонаси директори Шерзод Холиёров. — Гаров реестри кредиторлар ва инвесторларга қарз олувчининг мулк тўғрисида объектив маълумотлар беради. Шу билан бирга, банкларнинг кредит портфелига ижобий таъсир кўрсатади ва кредит бозорининг янада фаолаштиришга хизмат қилади.

Натижада тадбиркорлик субъектларининг кредит ажратиш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати қисқариб, ўзаро тўловлар интизомига риоя қилиниши таъминланади. Қонунга кўра, гаров реестридан фойдаланувчилар гаров реестрига ёзувлар киритишга ва уларни ўзгартиришга, гаров реестридан ёзувларни чиқариб ташлашга, гаров реестридаги ёзувларни излаш ва излаш натижалари бўйича кўчирмалар олишга ҳақли. Бунда барча шахслар, ҳеч бир чекловларсиз гаров реестридан ёзувларни излашни мумкин. Гаров реестрининг қолган функцияларига киритишга, жумладан, излаш натижаларига кўра гаров реестридан кўчирма беришга рўхсат фақат сайтда шахсий кабинет очган

шахсларга берилади. Бунинг учун фойдаланувчидан гаров реестри сайтига электрон ариза бериш талаб этилади.

Шу ўринда фойдаланувчи иборасига қисқача тўхталсак. Фойдаланувчи гаров реестрини юритувчи ташкилот билан тузилган шартнома асосида унга ёзув киритиш ҳуқуқига эга кредитор, қарздор сифатида қатнашаётган юридик ва жисмоний шахслар қонунга мувофиқ мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишни чеклаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлган тергов-суриштирув органлари, давлат солиқ ва божхона хизмати органлари ҳисобланади. Фойдаланувчи гаров реестрига ёзувлар киритиш бўйича шартнома билан танишиш ҳуқуқига эга. Фойдаланувчи шартнома шартларини қабул қилган вақтдан бошлаб шартнома тузилган деб ҳисобланади.

Гаров реестридан кўзланган асосий мақсад гаров тўғрисидаги ҳаққоний маълумотларни йиғиш, уларни қайта ишлаган ҳолда фойдаланувчиларга тақдим этиш ҳамда кредиторларнинг гаровга олинган мол-мулкка бўлган устувор ҳуқуқларини аниқлашдан иборат. Қонуннинг 9-моддасида қонунда бошқача қоида назарда тутилмагани бўлса, гаров реестрига ёзувни киритиш вақти ва санаси кредиторнинг қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда бошқа кредиторлар ва учинчи шахслардан олдин ундирувчи қарздорнинг мол-мулкка қаратишга, бошқа талабларни қаноатлантиришга бўлган навбатини, имтиёзли ҳуқуқини аниқлаш учун асос бўлиши белгиланган.

Мамлакатимизда гаров реестрининг жорий қилиниши гаров муносабатларида мол-мулкларга нисбатан ҳуқуқларнинг очиклигини оширади. Натижада тадбиркорлик тузилмалари ва фуқароларни молиялаштириш учун қулай шартшароитлар яратишга ҳамда кредит хавфининг камайтирилишига эришилади.

Таъкидлаш жоизки, гаров реестрининг жорий этилиши кредитлар ҳажми сезиларли даражада ўсишига таъсир кўрсатади. Мисол учун, гаров билан таъминланган кредит ажратилиш бундан кенг тарқалган. Чунки гаров мулкни банк учун кредит таваққулини сезиларли даражада пайсаятирса, қарз олувчи учун қарамогиди мол-мулкни гаровга қўйиш эвазига қулай, тез ва максимал даражада кредит олишига имкон яратади.

Бундан ташқари, гаров реестри кредит қайтарилишига кафиликка эҳтиёж қолдирмайди. Қарз олувчининг мулк бозор қиймати ҳисобига нисбатан кўпроқ ва узоқ муддатга, қулай шартларда кредит олиш имконини беради.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда гаров реестри институтининг жорий этилиши гаров муносабатларини такомиллаштириб, кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

Ишонч — юксак

инсоний фазилат. Бу туйғу кишилар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга, ҳаётда ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат барқарор бўлишига хизмат қилади. Аммо ҳаётда шундай кимсалар ҳам учрайдики, улар чиркин муддаосига етиш учун ўзгаларнинг ишончини суистеъмол қилишдан тап тортмайди.

Масалан, Шавкат Олимов (исм-шарифлар ўзгартирилди) Китооб тумани электр таъминоти корхонасида туппа-тузуқ фаолият юритиб келаётган. Унинг жамоадoshлари ўртасида обрў-эътибори

Jinoyat va jazo

Алдов йўли билан топилган даромад

барака эмас, завол келтиради

баланд эди. Бироқ у нафс вавасасига учиб, нопок ишга қўл урди-ю, юзшувут бўлиб қолди.

Гап шундаки, у фирибгарлик йўли билан одамларни алдаб, бойлик орттиришни кўзлайди. Унинг фириб тузоғига дастлаб туманининг Гулбоғ қишлоғида яшовчи Бунёд Курбонов тушади. Шавкат янги электрон ҳисоблагичларнинг ҳужжатларини расмиyllаштириш учун ундан 100 минг сўм олади-ю, исзисз ғойиб бўлади. Шундан сўнгра

орадан кўп ўтмай у Минжир қишлоғида истикомат қилувчи Холмаҳмат Қулмуродов хонадонида пайдо бўлади. Ш.Олимов Х.Қулмуродовдан сарфланган электр энергияси учун, дея 200 минг сўм олади.

Кейинчалик нафси баттар ҳақалак отган Шавкат "Шўрбосой" маҳалла фуқаролар йиғинида пайдо бўлиб, Шарофат Бекмуродовдан 450 минг сўм, Муҳаррам Элмирзаевдан 150 минг сўм нақд пулларни санаб олади

ва бу маблағни корхона ҳисобига кириб қилмасдан, ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборади.

Айтиш керакки, фирибгарликнинг ҳадисини олиб, қайта-қайта нопок қилимишга қўл урган Ш.Олимовнинг ёлғон ваъдаларига учган туманининг турли ҳудудларида яшовчи Тойир Хўжаёров 750 минг сўм, Акбар Пардаев 450 минг сўм, Хуршид Хамроев 400 минг сўм, Шерзод Бобоназаров 850 минг сўм (бу рўйхатни яна давом эттириш мум-

кин) маблағни қўш-қўллаб унга топширади.

Халқимизда "кўза кунда эмас, кунда синади", деган нақл бежизга айтилмаган. Шундай экан, қинғир ишнинг қийиғи бугун бўлмаса, эртага юзага қалқиб чиқиши тайин.

Шу маънода ваколатли идоралар томонидан ўтказилган текширув ва суриштирувлар асосида Ш.Олимовнинг асл қиёфаси фош бўлди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Ишончни унутганлар

қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлади

И. Қосимов ва унинг жиноий шериклари катта миқдордаги пул маблағларини ўзлаштиришга, яна бир қатор қинғирликларга ҳам қўл уришди. Жумладан, Вазирлар Маъкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларини қасддан бузиб, кам таъминланган оилаларга нафақалар ҳамда моддий ёрдам пули тайинлаб, тўлов варақаларига сохта имзо қўйиш-

ди. Буни қарангки, бу гумроҳлар содир этилган жиноятларнинг изини яширишга ҳам уринишди. Яъни улар ғаразғўйлик ва паст ниятда 2013 йилнинг бошида маҳалла фуқаролар йиғинининг аризаларни рўйхатга олиш дафтарларини, кам таъминланган фуқароларга нафақа тайинлаш юзасидан тўпланган ҳужжатларнинг бир қисмини нобуд қилишди. Бироқ улар ҳаётда қин-



ғир иш ҳеч қачон жазосиз қолмаслигини унутиб қўйишди. Холбуки, тез орада ҳамтововларнинг қилими ошқор бўлди ва улар қонун олдида жавоб беришди.

Суд судланувчиларни Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор, деб топди. Суд судланувчи И.Қосимовга саккиз йил,

М.Арзиевага етти йилу олти ой, Ш.Тангриевага беш йил икки ой, М.Эргашевага беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Шунингдек, суд ҳукмида давлат бюджетига етказилган моддий зарар судланувчилардан солидар тартибда ундириш қайд этилди.

Хулоса шуки, зиммасидаги вазифаларга ҳамиша юксак масъулият билан ёндашган, ҳалоллики ва виждонан ишлашни ўзининг инсоний бурчи, деб билган одам ҳаётда ҳеч қачон кам бўлмайди. Шундай экан, ҳар биримиз виждон амрига бўйсуниб яшаш умр зийнати эканини асло унутмайлик.

Одил МАННАТОВ,
жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон шаҳар судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Айтиш керакки, фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлаш билан боғлиқ муносабатлар Солиқ кодексининг XVII бўлими, Фуқаролик процессуал кодексининг ўнинчи боби, Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат божи ставкалари тўғрисида"ги қарори билан тартибга солинади.

Давлат божи оддий, яъни қатъий ставкаларда сўм ва тийинлар билан ҳисоблаб олинадиган божга, яъни даъво қийматига нисбатан физ билан ҳисоблаб ундириладиган пул маблағидир.

Фуқаролик процессуал кодексининг 106-моддасида даъвонинг баҳосини белгилаш тартиби белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра, даъвонинг баҳосини даввогар кўрсатади. Бироқ даввогар кўрсатган баҳо даъво талабидида мулкнинг ҳақиқий қийматига мувофиқ бўлмаса, бу баҳони судья белгилайди.

Huquqiy ma'rifat

Давлат божи

у қандай тартибда ундирилади?

Агар даъво тақдим этилган вақтда даъвонинг баҳосини белгилаш имкони бўлмаса, давлат божининг миқдорини судья дастлабки тарзда белгилайди ва кейинчалик ишни ҳал қилиш вақтида суд белгилаган даъво баҳосига мувофиқ, божнинг кам қисми ундирилади ёки ортиқча олинган қисми қайтарилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, даввогар ўзининг талабларидан воз кечган, тарфлар ишни келишув битими билан тамомлаган тақдирда тўланган давлат божи қайтарилмайди. Арз қилинган талаблар кўпайтирилганда етишмаган сумма даъвонинг кўпайтирил-

ган баҳосига мувофиқ равишда кўшимча тарзда тўланади.

Бир вақтнинг ўзида мулкчи ва номулкчи характерга эга бўлган мустақил талаблардан иборат бўлган аризалардан давлат божи ҳар бир талаб бўйича алоҳида, мулкчи ва номулкчи характердаги аризалар учун белгиланган тегишли ставкалар бўйича ундирилади. Масалан, никоҳдан ажратилган мол-мулк ҳақидаги талаб битта даъво аризасида ёзилганда ёки битта ишга бирлаштирилганда, давлат божи ҳар бир талаб бўйича алоҳида тўланади.

Айтиш керакки, давлат божини тўлашдан озод қилинган

даввогар томонидан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда, давлат божи қаноатлантирилган даъво суммасига мос тарзда жавобгардан (агар у давлат божини тўлашдан озод қилинмаган бўлса) ундирилади.

Шунингдек, даъво қаноатлантирилган ва жавобгарлар зиммасига солидар жавобгарлик юклатилганда, суд жавобгарлардан давлат божини ҳам солидар тартибда ундиради. Бу қоида фуқаролик ишлари кўриш билан боғлиқ қиқимларни ундиришга ҳам татбиқ этилади, процессуал иштирокчининг талаби билан ва фақат унинг манфаатида амалга оши-

рилган процессуал ҳаракатлар учун қилинган ва бошқа процессуал иштирокчилар томонидан қопланмайдиган харажатлар бундан мустасно.

Суд харажатлари нотўғри ундирилган ҳолатлар аниқланганда, апелляция, кассация ва назорат инстанциялари судлари процессуал қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тартибда, суд харажатларини ундиришга, уларни тўлашдан озод қилишга, шунингдек, ундирилган сумма миқдорини камайтиришга ёки уларни тарафлар ўртасида қайта тақсимлашга ҳақли.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, давлат божи ва даъвонинг баҳосини белгилашда қонун талабларига қатъий риоя этиш иш юзасидан ҳақиқатни аниқлаш, фуқаровий низоларни адолатли ҳал этиш ва одил судловни амалга оширишга хизмат қилади.

Тўлқин УСМАНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг раиси

G'aroyib olam

Биламизки, табиат қонунлари энг собит ҳодисотлардан саналади. Она ернинг рельефи ва бошқа жуғрофий сифатлари боис унинг бағрида юз берадиган табиий жараёнлар ҳам гоҳида ёрқин ва ҳаяжонли таассуротлар уйғотади.

Биз билган ва билмаган дунё

ТАБИАТНИНГ НОЁБ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Масалан, дарёлар ўзарида жойлашган тик жарликлардан сувнинг пастга шиддат билан отилиб тушиши натижасида ажойиб табиат манзараси — шаршалар пайдо бўлади.

Аниқланишича, шаршалар поғонаси муттасил равишда емирилиб туради ва оқимнинг юқори томонига қараб аста-секин силжиб боради. Вақт ўтиши билан сув шу тарзда тупроқ ва тошсимон қаттиқ жинсларини ҳам емириб, қатта-кичик дараларни ҳосил қилади.

Венесуэладаги Гвиана ясситоғлигидаги Чурун дарёси бўйлаб шаршалар мавжудлиги маҳаллий аҳолига аллақачон маълум бўлган. Шу ерда истико-мат қилувчи маҳаллий халқ уни Черун-Меру деб аташган. Бироқ 1935 йилда венесуэлалик учувчи Х. Анхель бошқараётган самолётшаршара ён-атрофига ноҳосдан кулаб тушади ва учувчи бахтли тасодиф туфайлигина омон қолади.

Шуниси қизиқки, учувчи Х. Анхель бу табиат мўъжизасига махлиё бўлиб, илос ва ҳаяжон билан унга ўз номини қўйган, бу шаршара кен танилиб, тезда оммалашиб кетади.

Дарҳақиқат, дунёдаги энг катта шаршара айнан шу Анхель шаршараси бўлиб, у 1054 метр баландликдан пастга қуйилади. Унинг куйи қисмидан қаралса, шаршара бошида ҳосил бўлган буг, яъни майда сув заррачалари худди булутдан, яъни осмондан ёғилиб келаётгандек тасаввур уйғотади. Эндилдиқ табиатнинг мана шундай маҳабатли гўзаллигидан баҳраманд бўлиш ниятида ер юзининг турли бурчаларидан минглаб сайёҳлар бу ерга таширф буюришга ошқабди.

Ана шундай шаршалардан яна бири Замбия ва Зимбабве оралигидаги Замбези дарёси оқимида мавжуд бўлиб, маҳаллий аҳоли уни "гулдуровчи тутун" деб атади. Англиялик тадқиқотчи Давид Лингстон уни XIX аср ўрталарида кашф этган бўлиб, ўша пайтдаги Буюк Британия қироличиси шарафига унга Виктория деб ном берган эди. Эни 172, баландлиги эса, кам 120 метрдан оқиб тушаётган улкан сув шовқинини бир тасаввур қилиб кўринг. Унинг шовқини анча олис масофадан ҳам худди момақалдирок зарби каби жұшқин ва аниқ-тиниқ эшитилиб туради. Ажабланырлиси, Виктория шаршараси доим буғланишдан ҳосил бўлган энгил туман билан қопланиб туради ва бу унга ўзига хос жоизба ва алоҳида фусункорлик бағишлайди.

АҚШ ҳудудида жойлашган Йосемити шаршараси ҳам дунёдаги энг баланд шаршалардан бири бўлиб, унинг суви 727 метр баландликдан оқиб тушади. Ажабланырлиси шун-

даки, ушбу шаршара қиш ойларида тўхтаб қолади, аммо ўлкага ёз келиши билан тўлиб-тошиб, кучли оқим ҳосил қилади.

Машур Ниагара шаршарасининг баландлиги 51 метр бўлиб, ундан ҳар сонияда 2,8 миллион литр сув зарралари ён-атрофга сочилиди.

Исландияда жойлашган Галлфосс шаршараси маҳаллий аҳоли ўртасида "олтин шаршара" номи билан донг таратган. Негаки, унинг номи ҳам ўзига хос бўлган табиат ҳодисасини акс эттиради. Шаршара суви шовқин-сурон билан ерга тушар экан, унинг майда томчилари кўёш нурида парчаланиб, тилла каби атрофга жило таратади. Шаршаранинг баландлиги 30 метр бўлиб, оқим тезлиги бўйича Европадаги энг кучли шаршалардан бири ҳисобланади.

Исландияда жойлашган яна бир шаршара Веттифосс деб номланиб, унинг баландлиги 260 метрни ташкил этади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, мазкур шаршарадан бир сония ичида 200 куб-метр сув отилиб чиқади. Ана шу бетакрор табиий шиддат ўнй Европадаги энг хушманзара шаршара сифатида эътироф этишга сабаб бўлган.

Янги Зеландиядаги Сазерленд шаршараси эса, одам қадами етиши энг қийин бўлган шаршара ҳисобланади. Қалин ва ўта қуюқ ўрмонлар ичидан оқиб чиқувчи бу табиат мўъжизасининг баландлиги 580 метрни ташкил этади. Лекин унга яқин боришнинг деярли иложи йўқ.

Европадаги энг баланд шаршара эса, табиати ниҳоятда бой ва ранг-баранг, тоғ ён-бағирлари қалин ўрмон билан қопланган Норвегияда жойлашган бўлиб, унинг баландлиги 860 метрни ташкил этади. Виннуфоссен деб номланувчи бу шаршара баландликдан оқиб тушиш жараёнида тўртта ирмоққа бўлиниб, ажойиб манзара ҳосил қиладики, унга боқиб тўймайди киши.

Табиатда яна шундай гаройиб шаршалар ҳам мавжудки, улар фасллар алмашинуви жараёнида ўз кўринишини ҳам ўзгартиради. Хусусан, АҚШнинг Миннесота шаҳридаги Миннехаха шаршарасининг баландлиги 16 метр бўлиб, у қиш мавсумида мовий тусга кириди ва гўёки улкан муз оқаётгандек тасаввур уйғотади. Шуниси ажабланырлики, шаршара олисдан бутунлай муз билан қоплангандек кўринишни акс эттирсанда, аслида унинг ҳаракати бир сония ҳам тўхтамайди, балки олсдан кўз илғамас тарзда секинлашади, холос.

Интернет материаллари асосида Мўътабар ХУШВАҚТОВА тайёрлади.

Jinoyat va jazo

Алдов йўли билан топилган даромад

барака эмас, завол келтиради

Давоми. Бошланиш учинчи бетда)

Бу ҳаётда ҳар қандай жиноий қилмиш жазосиз қолмайди, албатта. Ш.Олимовнинг қилмишларига ҳам судда ҳолис ва адолатли баҳо берилди. Шу билан бирга жабрланувчиларга етказилган 4 миллион 440 минг сўм моддий зарар судланувчи томонидан деярли қоплангани эътироф этилган ҳолда судланувчига те-

гишли жазо тайинланди.

Бир қарашда, жиноятчи қилмишига яраша жазо олган, ҳаммаси адолатли яқун топгандек туюлади. Аслида ҳам шундай. Бироқ юқорида баён этилган ҳолатлар ҳақида фикр юритганда, кўнгилдан баъзи мулоҳазалар кечади.

Хўш, жабрланувчилар нега фирибгар кимсанинг тузоғига оппа-осон тушиб қолишди?

Ваҳоланки, "Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари" ОАЖнинг 2011 йил 22 июлдаги № 02/2994-сонли алоқа хатига асосан, назоратчиларнинг истеъмолчилардан электр энергиясидан фойдаланганлиги учун тўловни қабул қилиб олишга йўл қўйилмайди. Аниқроқ айтганда, электр энергияси истеъмоли учун тўловлар махсус белгиланган жойларда амалга оширилиши лозим.

Гарчи жабрланувчилар бу талабдан хабардор бўлишса, унга амал қилмай хабардор этилган бўлса-да, Ш.Олимовнинг жиноий мақсадини амалга оширишга йўл очиб берганлар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, фирибгарлик билан ўзгаларни "чув" тушириш эвазига мўмай даромад орттиришга уринганлар охири-оқибат қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлади. Шундай экан, ҳалол меҳнат қилиш, виждон амрига қуюқ тутиб яшаш лозимлигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Наврўз АШУРОВ,
жиноят ишлари бўйича Китоб тумани судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" муҳбири

**«BUXORO SAVDO ZAMIN» MASʼULIYATI
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
«ОЧИҚ ТАНЛОВ» САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Ёшдувон туман ҳокимининг 2014 йил 10 июндаги 844-сонли қарорига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.

1. Ёшдувон тумани Гулистон МФЙ ҳудудидаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиш учун 3000,0 кв. метрдан иборат 1 та ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 2 240 641,2 сўм.

ТАЛАБГОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Танловда қатнашиш натижасида унга бўлган ҳуқуқ эгалланган ер участкасига нисбатан танлов голиби томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ёшдувон туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорлардан танлов ҳужжатлари билан бирга бериллади. Танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисидаги шартнома асосида мажбуриятларни 12 ой муддат ичида бажариши шарт.

Танловга иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш кундан кунга танлов қатнашиш шартнома асосида мажбуриятларни 12 ой муддат ичида бажариши шарт.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Танлов ташкилотчиси» «BUXORO SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро вилоят «Инфинбанк» филиалидаги МФО: 00107, СТИР: 302699204, ОКОНХ: 83200, 20208000400254692001 хисоб рақамига буюртманомани берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 % (фоиз)идан кам бўлмаган миқдоридида закалат пули тўлаши шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ёшдувон туман ҳокимлиги биносидан савдо кунини соат 11⁰⁰ да очилади ва шу кунини соат 16⁰⁰ да мажбуриятларни бажариш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, танловда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

Манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Афросиёб кўчаси, 106-уй.
Телефон: (+99895) 600-55-91

**«SHAD SAVDO ZAMIN» MASʼULIYATI
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
«ОЧИҚ ТАНЛОВ» САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Ёшдувон туман ҳокимининг 2014 йил 27 майдаги 786-сонли қарорларига асосан, Ёшдувон туман Пахтаобод ҚФЙ ҳудудидаги сунъий қопламали спорт майдончаси қуриш учун мўлажалланган 900,0 кв. метрдан иборат 1 та ер участкаси танловга қўйилмоқда. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 372 010,68 сўм.

ТАЛАБГОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Танловда қатнашиш натижасида унга бўлган ҳуқуқ эгалланган ер участкасига нисбатан танлов голиби томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ёшдувон туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга бериллади. Танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисидаги шартнома асосида мажбуриятларни 12 ой муддат ичида бажариши шарт.

Танловга иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш хабар матбуотда эълон қилинган кундан (яқшанбадан ташқари) бошланади ва 2014 йил 30 август кунини соат 18⁰⁰ да тўхтатилади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Танлов ташкилотчиси» «SHAD SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар «Ипотека» банкнинг Сардор филиалидаги МФО: 00119 СТИР: 302097424, 20208000504935078001 хисоб рақамига буюртманомани берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 % (фоиз)идан кам бўлмаган миқдоридида закалат пули тўлаши шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ёшдувон туман ҳокимлиги биносидан 2014 йил 2 сентябр кунини соат 11⁰⁰ да очилади ва танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топиллади.

Манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.
Телефон: 8 (365) 221-51-62.

Куч—АДОЛАТДА
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ХАМРОЕВ
Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Бўришо МУСТАФОЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Шононус ГАЗИЕВ
Кўчкор ТОҒАЕВ
Русланбек ДАВЛЕТОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ

Омонбой ОҚУЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Икром МУСЛИМОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор
ХАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзил: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56
Буюртма: F-822. Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ,
Сотувада эркин нарҳда. Адади: 8848.
1 2 3 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 23⁰⁰